

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВ МУРОДЖОН МИРСОЛИХ ЎҒЛИ

**УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАРИ ЁРДАМИДА ГИЛОС МЕВАСИНИ
САҚЛАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пулатов Муроджон Мирсолих ўғли

Ультрабинафша нурлари ёрдамида гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш технологиясини такомиллаштириш 3

Пулатов Муроджон Мирсолих ўғли

Совершенствование технологии продления срока хранения черешневого фрукта с помощью ультрафиолетовых лучей 21

Pulatov Murodjon

Improving technology for extending the shelf life of cherry fruit using ultraviolet rays 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42



**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВ МУРОДЖОН МИРСОЛИХ ЎҒЛИ

**УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАРИ ЁРДАМИДА ГИЛОС МЕВАСИНИ
САҚЛАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – “Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари” (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/T3841 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сафаров Жасур Эсиргапович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Додаев Қўчқор Одилевич**
техника фанлари доктори, профессор

Қурбанов Жамшед Мажидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг «__» _____ 2024 йил соат «__» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

Х.И.Қодиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

К.П.Серкаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент



КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда глобал миқёсда кузатилаётган экологик ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунё аҳолисининг тобора ортиб бориши мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келмоқда. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш, мева ва сабзавотларга ишлов беришнинг техник воситалари ва технологияларини такомиллаштиришга қаратилган ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ультрабинафша нурлари (УБН) ёрдамида меваларга ишлов бериш техника ва технологиясини оптималлаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада УБН техника ва технологиясини ривожлантириш, УБ манбасини ўрнатиш масофасига боғлиқ ҳолда таъсир давомийлигини аниқлаш, озиқ-овқат хомашёларни қайта ишлаш усулларни тадқиқ этиш орқали гилос мевасига ишлов беришнинг мақбул параметрларини аниқлаш ҳамда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини самарали ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Тузилмавий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини изчил ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу аснода гилос мевасини қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ишлов бериш вақтини қисқартириш ва сақлаш муддатини узайтириш, турли ишлов бериш параметрлари, хусусан, УБ нури қувватининг маҳсулотга таъсирини тадқиқ этиш, мавжуд техника ва технологияларни оптималлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»¹ги ПФ-60-сонли Фармони, 2019-йил 23-октябрдаги «2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-5853-сонли қарори, 2019-йил 29-июлдаги «Қишлоқ хўжалигини чуқур қайта ишлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Замонавий адабиётлар таҳлили натижалари, узоқ даврлардан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жарёнини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш ва сақлашда ультрабинафша нурларидан фойдаланиш бўйича: Е.В.Непушкина, А.А.Юшев, Т.В.Плотникова, Е.М.Алехина, Н.Ф.Галанин, А.Виноградова, Д.М.Мяленко, В.С.Бутко, С.Е.Williamson, Y.Yang, S.Park, W.A.Rutala, K.D.Lippert, M.Begum, Vanesa Martin каби дунё олимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш назариясини ишлаб чиқиш ҳамда сақлаш жараёнига ультрабинафша нурларининг таъсирини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришган. Маҳаллий олимлардан Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, А.А.Артиқов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Қурбонов, Қ.О.Додаев, Х.С.Нурмухамедов, К.Т.Норқулова, Х.Ф.Джураев ва бошқалар томонидан озиқ-овқат саноати жараёнлари ва қурилмаларини такомиллаштириш бўйича самарали тадқиқотлар олиб борилган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг самарали технологиялари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти олимлари гилосга ишлов бериш технологиялари ва қурилмаларини такомиллаштириш, хомашё таркибидаги биологик фаол моддаларни сақлаб қолинишини таъминлайдиган ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларда фаол изланишлар олиб боришмоқда. Бироқ, ультрабинафша қурилмасида турли параметрларини ўзгартириш орқали самарали ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ҳозирги кунга қадар етарли даражада амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ IL-5421101760 – «Қуритиш технологиясида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнини бошқариш орқали озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари таркибидаги биофаол моддаларни сақлаб қолишнинг назарий усулларини ривожлантириш» (2023-2027 йй.) фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ультрабинафша нурлари ёрдамида гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ультрабинафша нурлари ёрдамида гилос мевасига ишлов бериш технологиялари ва қурилмаларини таҳлил қилиш ва тажриба усулларни ишлаб чиқиш;

ультрабинафша нурлари ёрдамида гилос мевасига ишлов беришнинг мақбул параметрларини экспериментал аниқлаш ва сақлаш муддатини узайтириш;

ультрабинафша нурлари қувватининг меваларга ишлов бериш даражасига таъсирини тадқиқ этиш, ёрқинлик, барқарорлик, титрланадиган кислоталилик ва умумий антоциан таркибини аниқлаш;

гилос мевасига ишлов беришда ультрабинафша нурлари оқимининг таъсири технологиясини тадқиқ этиш ҳамда ультрабинафша нурининг қуввати, ишлов бериш давомийлиги ва УБН манбасининг ўрнатиш масофаси таъсирини тадқиқ этиш;

ультрабинафша нурларининг турли параметрлари ёрдамида қайта ишланган гилос мевасининг кимёвий таркибини ўрганиш;

гилос мевасини УБН ёрдамида сифатли қайта ишлаш учун энергиятежамкор технология ва қурилмани ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар давомида олинган натижаларни саноатга татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида гилос мевасининг янги ҳосили ва ультрабинафша нурлари ёрдамида қайта ишланган гилос меваси олинган.

Тадқиқотнинг предметини гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш имконини берувчи қонуниятлар ҳамда маҳсулотни максимал даражада сақланишини таъминловчи параметрларнинг қийматлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда технологик тизимларни синтез ва тизимли таҳлил қилиш методологияси, кимёвий ва озиқ-овқат технологиясининг назарий асослари, озиқ-овқат технологиясининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

УБ нурлари ёрдамида гилос мевасига ишлов беришнинг мақбул масофаси 35 см ва жараён давомийлиги 6 дақиқа бўлганда кимёвий таркиби сақланиб қолиши исботланган;

нурланиш қуввати 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ бўлган турли ишлов бериш параметрларида гилос мевасининг энг юқори ёрқинлик, барқарорлик, титрланадиган кислоталилик ва максимал антоциан таркиби сақланиши аниқланган;

5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ нурланиш қувватида қайта ишланган гилос мевалари 20 кун давомида сақланганда улардаги рефрактометриқ куруқ моддаларнинг энг паст миқдори - 10,1 °Brix, назорат қилинаётган намунада 0 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ да қаттиқ моддаларнинг энг юқори миқдори - 11,9 °Brix бўлганлиги исботланган;

уч ҳил параметрларни (қувват, масофа ва вақт) ўзгартириш орқали УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган 9 та намуналар орасида энг яхши натижага қувват 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$, масофа 35 см ва ишлов бериш давомийлиги 6 дақиқа бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш имконини берувчи ультрабинафша қурилмаси ишлаб чиқилган;

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган ва 4 °С ҳароратда 20 кун давомида сақланган намуналарда масса йўқотилиши 9,72% ни, шунингдек 1 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ қувватда - 10,7%, 3 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ қувватда - 10,1% ҳамда 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ қувватда - 9,3%

эканлиги аниқланган;

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган ва 4 °С ҳароратда 20 кун давомида сақланган намуналарининг қаттиқлиги 1 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ қувватда - 1,7%, 3 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ - 1,6% ва 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ - 1,4% бўлиши, титрланадиган кислоталилик эса 1 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ - 11,1%, 3 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ - 9,1% ҳамда 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ - 8,9% эканлиги аниқланган;

УБ нурлари ёрдамида қайта ишланган гилос меваси таркиби таҳлил қилинганда: замбуруғ инфекциясининг миқдори - 0,40%; бактериялар - $0,22 \times 10^1$ $\text{КХҚБ}/\text{г}$; моғор ва замбуруғлар - $0,53 \times 10^1$ $\text{КХҚБ}/\text{г}$; ичак таёқчалари - $0,30 \times 10^1$ $\text{КХҚБ}/\text{г}$; рефрактометрик куруқ моддалар - 13,90 °Brix; кислоталилик - 6,37%; қаттиқлик - 1,72 $\text{кг}/\text{см}^2$; намлик - 78,11%; рН ~ 3,6; канд миқдори - 14,16 $\text{мг}/100$ г га тушиши исботланган;

УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган гилос меваси таркибидаги витаминлар миқдори қуйидагича сақланиши аниқланган: В12-0,607618 $\text{мкг}/\text{гр}$, В6-0,651595 $\text{мкг}/\text{гр}$, В9-2,322951 $\text{мкг}/\text{гр}$, С-3,812911 $\text{мкг}/\text{гр}$. Олинган натижаларга асосланган ҳолда, таклиф этилаётган параметрлар витаминларнинг юқори концентрацияси сақланиши аниқланган;

УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган гилос меваси таркибида қуйидаги кимёвий элементлар сақланиши (бор-17,0 ppm ёки г/т; натрий-180,0 ppm ёки г/т; магний-180,0 ppm ёки г/т; алюминий-32,0 ppm ёки г/т; фосфор-1000 ppm ёки г/т; калий-2900 ppm ёки г/т; калций-350,0 ppm ёки г/т; скандий-1,10 ppm ёки г/т; титан-0,940 ppm ёки г/т; марганец-0,480 ppm ёки г/т; темир-18,0 ppm ёки г/т; мис-1,90 ppm ёки г/т; рух-2,4 ppm ёки г/т; галлий-0,017 ppm ёки г/т; мишяк-0,860 ppm ёки г/т; рубидий-0,690 ppm ёки г/т; стронций-0,390 ppm ёки г/т; барий-0,260 ppm ёки г/т; торий-0,01 ppm ёки г/т.) аниқланган. Олинган натижаларга асосланган ҳолда, таклиф этилаётган параметрлар кўплаб фойдали элементлар консентрациясини сақлаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва воситалар ёрдамида олиб борилган назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижаларини Windows операцион муҳитида замонавий Microsoft Excel дастурлари ёрдамида моделлаштирилганлиги ҳамда лаборатория натижалари ва ўтказилган тадқиқотлар асосида такомиллаштирилган ультрабинафша нур қурилмасининг тажриба-саноат натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, моделлаштириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда гилос мевасига ишлов бериш жараёнини амалга ошириш имконини берувчи ультрабинафша қурилмасининг мақбул энергия тежамкор конструкцияси, УБ нурлари оқимининг таъсир технологияси, нурнинг қуввати, ишлов бериш давомийлиги ва таъсир этиш масофаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, турли параметрларнинг ишлов берилган гилос меваси хусусиятларига таъсири, хусусан, 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ нурланиш қувватида ишлов берилган намуналарда ёрқинлик, барқарорлик, титрланадиган кислоталилик ва умумий антоцианин таркиби энг юқори эканлиги, шунингдек 20 кун давомида 4 °С ҳароратда сақланган мевалар

таркибида эрувчан моддалар, масса йўқотилиши, моғор ва замбуруғнинг энг кам миқдори аниқланганлиги, ишлов бериш технологияси ва қурилмасининг такомиллаштирилганлиги, маҳсулотлар таркибини яхшилаш ҳисобига озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш мақсадида ультрабинафша нурлари ёрдамида ишлов бериш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гилос мевасига ишлов бериш технологияси ва маҳсулотнинг сақлаш муддатини узайтириш қурилмаси “Sunny Land Products” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024-йил 14-августдаги 14-73/08-24-сон маълумотномаси). Юқори самарали технологиядан фойдаланиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш 1,9 баробар ошиб, хомашё йўқотилиши 12% га камайган;

гилос мевасига ишлов бериш усули “Sunny Land Products” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024-йил 14-августдаги 14-73/08-24-сон маълумотномаси). Натижада, гилос мевасини сақлаш учун юқори самарали технологиядан фойдаланиш ҳамда маҳсулот сифатини 95-100% гача таъминлаш имконини берган;

такомиллаштирилган ультрабинафша нурли қурилма ва гилос мевасига ишлов бериш технологияси “Sunny Land Products” МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024-йил 14-августдаги 14-73/08-24-сон маълумотномаси). Натижада, ультрабинафша нурлардан фойдаланган ҳолда юқори самарали қурилмани жорий этиш ва конструкциянинг мақбул танлови туфайли гилос мевасини сақлаш муддатини мавжуд технологиялар ва қурилмаларга нисбатан 2-3 баравар узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола, булардан 2 та халқаро журналларда, 6 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 6 та иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 120 бетни ташкил этиб, унда 53 та расм ва 29 та жадваллар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, шунингдек, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тегишлилиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ишончлилиги, ҳамда ушбу тадқиқот натижалари ишлаб


чиқаришга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ультрабинафша нурлари ёрдамида гилос мевасини сақлаш муддатини узайтириш технологиясининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» номли биринчи бобида маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Турли ишлов бериш қурилмаларида содир бўладиган жараёнларни математик моделлаштириш, уларни конструктив ҳисоблаш ва лойиҳалаш, гилос мевасини саноат усулида қайта ишлаш учун мавжуд жараёнлар ва қурилмалар бўйича илмий адабиётларда таҳлилий шарҳ ўтказилган.

Республика агросаноат мажмуаларида мавжуд қурилмаларнинг техник ҳолати ва ишлов бериш усуллари баҳолаган ҳолда, гилос мевасига ишлов беришнинг саноат усуллари такомиллаштиришни тақозо қилувчи муаммолар мавжудлиги намоён бўлди. Ушбу бобда фактларга асосланган материалларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертацияси ишининг «Гилос мевасига ишлов бериш учун ультрабинафша қурилмасини ишлаб чиқиш» номли иккинчи бобида гилос мевасига ишлов бериш учун ультрабинафша қурилмасини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Гилос меваси қисқа вақт сақланадиган анъанавий мева ҳисобланади, шу боисдан унга қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлари ёрдамида ишлов бериш бўйича синовлар ўтказиш таклиф этилмоқда. 1-расмда гилос мевасига ишлов беришнинг технологик схемаси келтирилган бўлиб, унда гилосни ультрабинафша нурлари ёрдамида тегишли санитария ва гигиена талабларига мувофиқ юқори сифатли зарарсиз маҳсулот олиш имконини берадиган қайта ишлаш жараёнининг тавсифи батафсил кўрсатилган.




1-гилосни қабул қилиб олиш; 2-гилосни саралаш; 3-урунган ёки ёмон ҳолатдаги гилос; 4-калибрлаш; 5-гилосга УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш; 6-қадоқлаш; 7-сақлаш.

1-расм. Гилосни ультрабинафша нурлари ёрдамида қайта ишлашнинг технологик схемаси


Биринчи босқичда гилос меваси ультрабинафша нурлари билан қайта ишлаш учун қабул қилиниб олинади. Меваларнинг бир хил сифатини таъминлаш ва нотўғри ташилишини олдини олиш мақсадида, фақатгина тегишли ишлаб чиқарувчидан сифатли гилос қабул қилинади ва иккинчи босқичга саралаш учун юборилади. Саралаш операциянинг мақсади шикастланган, доғлар билан қопланган ёки ёмон ҳолатда бўлган меваларни ажратишдан иборат, жараённинг учунчи босқичида урунган ёки ёмон ҳолатдаги гилослар ажралади. Саралашдан сўнг гилос тўртинчи босқичга калибрлаш учун

юборилади. Калибрлашнинг мақсади - меваларни катталиги ва бошқа кўрсаткичларига қараб гуруҳларга бўлиш ҳисобланади. Калибрлашдан сўнг гилос бешинчи босқичга УБ нури ёрдамида ишлов бериш учун юборилади. Гилос мевасини ультрабинафша нурлари билан қайта ишлаш тадқиқотнинг асосий босқичидир, чунки у гилос мевасида мавжуд бўлган микроорганизмларини йўқотиш орқали сақлаш муддатини узайтириш учун мўлжалланган. Жараён ультрабинафша нурларининг таъсир қилиш масофаси ва вақтининг мақбул комбинацияси орқали амалга оширилади: $l - 25, 35, 45 \text{ см}$ ва мос равишда $\tau - 3, 6, 9 \text{ дақиқа}$.

Ушбу босқич учун махсус қурилма ишлаб чиқилган бўлиб, у алюминий тиргакларга эга бўлган $120 \times 140 \times 100 \text{ см}$ асосий камерадан иборат. Ички қисмида узунлиги 90 см ва қуввати 30 Вт бўлган тўртта симоб УБ манбалар ҳамда улардан $l-25, 35, 45 \text{ см}$ узоқликда жойлашган $50 \times 90 \text{ см}$ ўлчамдаги учта идишлардан ташкил топган. УБ нури ишлов бериш учун 1 кг гилос меваси қўйилади. Ультрабинафша нурлари ёрдамида қайта ишланган гилос меваси олтинчи босқичга қадоқлаш учун юборилади. Қадоқланган гилос меваси еттинчи босқичга сақлаш учун юборилади. Гилос мевасини сақлаш жараёни совуткичда $4-5 \text{ }^\circ\text{C}$ гача бўлган ҳароратда амалга оширилади. Тадқиқотларга кўра, ушбу ҳароратларда аксарият микроорганизмларнинг метаболик фаоллиги камайиши аниқланган.



2-расм. Лаборатория-тажриба қурилмасининг умумий кўриниши



1-ён лампалар; 2-юқори ва пастки лампалар; 3-мевалар жойлаштириладиган идиш учун юза; 4-ён тутқич ва масофа (баландлик) ростлагич; 5-мевалар учун стол.

3-расм. Лаборатория-тажриба қурилмасининг ички кўриниши



4-расм. Қурилмада УБ лампалари ишга туширилган ҳолати

Олинган назарий натижалар асосида Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети лабораториясида экспериментал ультрабинафша курилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, у гилос мевасига ишлов бериш ва сақлаш муддатини узайтириш бўйича тажрибалар ўтказиш учун мўлжалланган (2, 3, 4-расмлар). Ушбу курилма гилосга ультрабинафша нурлари ёрдамида ишлов беришнинг технологик жараёнини ҳисоблаш имконини беради.

2-расмда келтирилган курилма ультрабинафша нурларидан фойдаланган ҳолда гилос мевасига ишлов бериш технологик жараёнини ҳисоблаш имконини беради. Ушбу усул ёрдамида технологик жараённинг ҳисоб-китоблари амалга оширилади ва шу орқали энергия тежамкорликка ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашга эришилди.

Дунканнинг кўп мартали таққослаш тажриба натижаларига кўра, ишлов бериш усуллари ўртасида кичик тўпламларнинг шаклланиши бўйича сезиларли фарқ мавжудлигини кўриш мумкин. Гилос мевасига УБ нурлари ёрдамида ишлов берилгандан сўнг, 4 °C ҳароратда 20 кун давомида сақланган намуналарда масса йўқотилиши 1 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ да – 10,7%, 3 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ да 10,1% ҳамда 5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ да – 9,3% ни ташкил этди. Назорат намунасида эса 0 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ да 11,6 % ни ташкил этди. Ушбу ишлов бериш усуллари статистик жиҳатдан бир-бирига яқинлигини кўриш мумкин.

5 $\text{кЖ}/\text{м}^2$ нурланиш кувватида ишлов берилган намуналарда ёрқинлик, барқарорлик, титрланадиган кислоталилик ва антоцианинларнинг умумий таркиби юқори бўлиши ҳамда 20 кун давомида 4 °C ҳароратда сақланганда рефрактометриқ куруқ моддалар, масса йўқотилиши, моғор ва замбуруғнинг миқдори энг паст бўлиши аниқланган.

Диссертация ишининг «**Гилос мевасини сифатли сақлашнинг самарали технологиясини тадқиқ қилиш**» номли учинчи бобида гилос мевасини сифатли сақлашнинг самарали технологиясини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ушбу тадқиқот доирасида олинган натижалар узоқ вақт давомида истеъмолчиларга меванинг фойдали хусусиятларини сақлаган ҳолда, сифатли ва арзон нархдаги маҳсулот етказиб бериш, шунингдек гилос мевасини узоқ муддатга сақлаш учун мақбул ишлов бериш усули ва шароитларини аниқлашга имкон беради.

Ишлов бериш жараёнининг экспериментал тадқиқоти қуйидаги омилларга асосланган ҳолда олиб борилди.

1. УБН лампалари ва объект ўртасидаги масофа: 1-25, 35, 45 см.

2. Гилосга УБ нурларни таъсир қилиш вақти: τ -3, 6, 9 дақ.

Шундай қилиб, барча тажрибалар юқорида келтирилган омилларнинг комбинацияси эканлигини инобатга олган ҳолда, жами тўққизта такрорий тажриба ўтказилди. Олинган намуналар лаборатория таҳлили учун тайёрланди.


Гилос мевасининг ишлов берилмаган қисмидан назорат омили сифатида фойдаланилди, ишлов берилган қисми эса пластик идишларга қадоқланди ва сақлаш муддатини баҳолаш учун музлатгичга жойлаштирилди. Муайян вақтдан сўнг (20 кун) сақланган гилос намуналари музлатгичдан олиниб, физик-кимёвий ва микробиологик таҳлилдан ўтказилди (5-расм).

УБ нурларининг гилос мевасига таъсирини таҳлил қилиш мақсадида уларга замбуруғ инфекцияси таъсир қилдирилди ва 10 та қисмга ажратилди. Ушбу қийматлар 1-жадвалда келтирилган. 1-жадвалдан шуни кўриш мумкинки 45 см масофада 6 дақиқа ва 35 см масофада 6 дақиқада ишлов берилган

намуналар бошқаларига нисбатан кўзга кўринадиган мицелиал замбуруғлар билан камроқ зарарланди (қийматлар мос равишда 0,51 ва 0,40).



А



Б

А-ишлов беришга тайёрлаш; Б-УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш.

5-расм. Гилос мевасига УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш жараёни

1-жадвал

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги замбуруғ инфекцияси

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Замбуруғ инфекциясининг улуши, намуналар			Ўртача
			№1	№2	№3	
1	25	3	0,8	0,7	0,9	0,80
2		6	0,7	0,6	0,8	0,70
3		9	0,6	0,7	0,6	0,60
4	35	3	0,6	0,3	0,4	0,41
5		6	0,3	0,4	0,5	0,40
6		9	0,5	0,5	0,6	0,54
7	45	3	0,5	0,5	0,5	0,50
8		6	0,5	0,6	0,5	0,51
9		9	0,4	0,6	0,7	0,56
10	Назоратдаги намуналар	3	1,2	2,4	2,6	2,07
11		6	2,3	2,1	1,6	2,0
12		9	1,2	2,4	2,6	2,05
13	Ишлов берилмаган	-	1,2	2,4	2,6	2,1
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	1,3	2,1	1,3	1,7

2-жадвалда мезофил бактерияларнинг умумий миқдори КХҚБ/г ташкил этади. Кўриниб турибдики, намуналар таркибида энг кам бактерия мавжуд бўлган ишлов бериш усуллари: 35 см масофада 3 дақиқа ва 35 см масофада 6 дақиқа, уларнинг миқдори мос равишда $0,23 \times 10^1$ КХҚБ/г ва $0,22 \times 10^1$ КХҚБ/г ташкил этади.

Шундай қилиб, УБН лампалар ва ишлов берилаётган гилос меваси ўртасидаги масофа 1-35 см бўлганда микробларнинг фаолиятига энг яхши таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунинг сабаби шундаки, УБ нурлари микроорганизмларнинг ДНКсига зарар етказди, ҳужайра репликациясини

блоклайдиган мутацияларни келтириб чиқаради ва микробларнинг ҳаёт фаолиятини тўхташига олиб келади.

2-жадвал

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги бактерияларнинг умумий миқдори

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Рухсат этилган концентрация	Бактериялар, КХҚБ*/г, намуналар			Ўртача
				№1	№2	№3	
1	25	3	$1,0 \times 10^4$	$0,32 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$	$0,34 \times 10^1$	$0,35 \times 10^1$
2		6		$0,31 \times 10^1$	$0,25 \times 10^1$	$0,26 \times 10^1$	$0,28 \times 10^1$
3		9		$0,22 \times 10^1$	$0,26 \times 10^1$	$0,24 \times 10^1$	$0,24 \times 10^1$
4	35	3	$1,0 \times 10^4$	$0,23 \times 10^1$	$0,22 \times 10^1$	$0,24 \times 10^1$	$0,23 \times 10^1$
5		6		$0,21 \times 10^1$	$0,20 \times 10^1$	$0,22 \times 10^1$	$0,22 \times 10^1$
6		9		$0,24 \times 10^1$	$0,30 \times 10^1$	$0,28 \times 10^1$	$0,28 \times 10^1$
7	45	3	$1,0 \times 10^4$	$0,46 \times 10^1$	$0,44 \times 10^1$	$0,43 \times 10^1$	$0,44 \times 10^1$
8		6		$0,44 \times 10^1$	$0,42 \times 10^1$	$0,41 \times 10^1$	$0,42 \times 10^1$
9		9		$0,38 \times 10^1$	$0,41 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$	$0,39 \times 10^1$
10	Назоратдаги намуналар	3	$1,0 \times 10^4$	$3,2 \times 10^5$	$2,1 \times 10^6$	$1,1 \times 10^5$	$2,13 \times 10^5$
11		6		$2,3 \times 10^6$	$1,4 \times 10^6$	$2,8 \times 10^5$	$2,16 \times 10^6$
12		9		$2,4 \times 10^6$	$2,1 \times 10^6$	$1,1 \times 10^6$	$1,9 \times 10^6$
13	Ишлов берилмаган	-	$1,0 \times 10^4$	$2,8 \times 10^6$	$3,1 \times 10^6$	$2,6 \times 10^6$	$2,8 \times 10^6$
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	$1,0 \times 10^4$	$3,1 \times 10^6$	$2,6 \times 10^6$	$2,4 \times 10^6$	$2,7 \times 10^6$

*Колония ҳосил қилувчи бирлик (КХҚБ) – бу намунадаги микроб хужайралари (бактериялар, замбуруғлар, вируслар ва бошқалар) сонини ҳисоблайдиган бирлик.

Ультрабинафша нурлари меваларнинг КХҚБ/г миқдорини сезиларли даражада камайтиришини инобатга олган ҳолда, моғор ва замбуруғларнинг пайдо бўлишини ишлов бериш орқали назорат қилиш имкониятини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар бажарилди. 3-жадвалда гилос мевасга УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш жараёнини ҳисоблаш натижасида олинган КХҚБ/г қийматлари кўрсатилган.

3-жадвалдан кўришиб турибдики, 1-35 см масофада 3 дақиқа давомида ишлов берилганда қийматлар мос равишда $0,76 \times 10^1$ КХҚБ/г, шунингдек 1-35 см масофада 6 дақиқада - $0,53 \times 10^1$ КХҚБ/г ҳамда 35 см масофада 9 дақиқада - $0,38 \times 10^1$ КХҚБ/г ни ташкил этади ва улар энг яхши натижалар ҳисобланади. Ушбу қийматлар УБ нурлари ёрдамида ишлов берилмаган намуналарга нисбатан камроқ деган хулосага келиш мумкин ($2,0 \times 10^5$ КХҚБ/г).

Худди шундай, 4-жадвалдан хулоса қилиш мумкинки, 1-35 см масофада 3 дақиқа давомида ишлов берилганда $0,42 \times 10^1$ КХҚБ/г, 1-35 см масофада 6 дақиқада $0,3 \times 10^1$ КХҚБ/г ҳамда 35 см масофада 9 дақиқада $0,17 \times 10^1$ КХҚБ/г қийматлар олинган. Шундай қилиб, ишлов берилмаган гилос мевалари таркибидаги ичак таёқчалари миқдори ишлов берилганларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган ва $1,7 \times 10^2$ КХҚБ/г ни ташкил этган. Бинобарин, УБ

нурлари меваларда ичак таёқчаларининг тарқалишини камайтиради, чунки у ДНКдаги баъзи бир бошқа асослар ўртасида ковалент боғланиш ҳосил қилувчи микроорганизмларнинг нуклеин кислоталарига ҳужум қилади.

3-жадвал

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги моғор ва замбуруғлар

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Рухсат этилган концентрация	Моғор ва замбуруғлар, КХҚБ*/г, намуналар			Ўртача
				№1	№2	№3	
1	25	3	$1,0 \times 10^2$	$0,23 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$	$0,58 \times 10^1$	$0,60 \times 10^1$
2		6		$0,31 \times 10^1$	$0,52 \times 10^2$	$0,18 \times 10^1$	$0,74 \times 10^1$
3		9		$0,13 \times 10^1$	$0,47 \times 10^1$	$0,21 \times 10^1$	$0,57 \times 10^1$
4	35	3	$1,0 \times 10^2$	$0,82 \times 10^1$	$0,68 \times 10^1$	$0,78 \times 10^1$	$0,76 \times 10^1$
5		6		$0,61 \times 10^1$	$0,52 \times 10^1$	$0,48 \times 10^1$	$0,53 \times 10^1$
6		9		$0,33 \times 10^1$	$0,43 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$
7	45	3	$1,0 \times 10^2$	$2,11 \times 10^1$	$2,02 \times 10^1$	$1,82 \times 10^1$	$2,1 \times 10^1$
8		6		$1,21 \times 10^1$	$1,28 \times 10^1$	$1,06 \times 10^1$	$1,2 \times 10^1$
9		9		$1,24 \times 10^1$	$1,18 \times 10^1$	$1,04 \times 10^1$	$1,15 \times 10^1$
10	Назоратдаги намуналар	3	$1,0 \times 10^2$	$6,34 \times 10^4$	$7,21 \times 10^4$	$5,53 \times 10^3$	$6,36 \times 10^4$
11		6		$4,72 \times 10^4$	$6,26 \times 10^4$	$5,34 \times 10^4$	$5,44 \times 10^4$
12		9		$4,18 \times 10^4$	$3,24 \times 10^5$	$5,16 \times 10^5$	$4,19 \times 10^5$
13	Ишлов берилмаган	-	$1,0 \times 10^2$	$2,46 \times 10^6$	$1,13 \times 10^4$	$2,34 \times 10^6$	$2,0 \times 10^5$
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	$1,0 \times 10^2$	$3,04 \times 10^6$	$1,88 \times 10^6$	$3,12 \times 10^6$	$2,7 \times 10^6$

4-жадвал

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги ичак таёқчалари КХҚБ*/г (БГКП – ичак таёқчалари бактериялари гуруҳи)

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Рухсат этилган концентрация	Ичак таёқчалари, КХҚБ*/г, намуналар			Ўртача
				№1	№2	№3	
1	25	3	$1,0 \times 10^1$	$0,68 \times 10^1$	$0,71 \times 10^1$	$0,57 \times 10^1$	$0,65 \times 10^1$
2		6		$0,85 \times 10^1$	$0,91 \times 10^1$	$0,95 \times 10^1$	$0,90 \times 10^1$
3		9		$0,79 \times 10^1$	$0,86 \times 10^1$	$0,92 \times 10^1$	$0,85 \times 10^1$
4	35	3	$1,0 \times 10^1$	$0,42 \times 10^1$	$0,48 \times 10^1$	$0,38 \times 10^1$	$0,42 \times 10^1$
5		6		$0,24 \times 10^1$	$0,31 \times 10^1$	$0,34 \times 10^1$	$0,30 \times 10^1$
6		9		$0,14 \times 10^1$	$0,18 \times 10^1$	$0,21 \times 10^1$	$0,17 \times 10^1$
7	45	3	$1,0 \times 10^1$	$0,46 \times 10^1$	$0,48 \times 10^1$	$0,44 \times 10^1$	$0,46 \times 10^1$
8		6		$0,36 \times 10^1$	$0,32 \times 10^1$	$0,33 \times 10^1$	$0,33 \times 10^1$
9		9		$0,18 \times 10^1$	$0,28 \times 10^1$	$0,18 \times 10^1$	$0,21 \times 10^1$
10	Назоратдаги намуналар	3	$1,0 \times 10^1$	$1,82 \times 10^1$	$1,68 \times 10^1$	$1,78 \times 10^1$	$1,76 \times 10^1$
11		6		$1,61 \times 10^1$	$1,52 \times 10^1$	$1,48 \times 10^1$	$1,53 \times 10^1$
12		9		$1,43 \times 10^1$	$1,43 \times 10^1$	$1,38 \times 10^1$	$1,41 \times 10^1$
13	Ишлов берилмаган	-	$1,0 \times 10^1$	$1,72 \times 10^2$	$1,83 \times 10^2$	$1,66 \times 10^2$	$1,7 \times 10^2$
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	$1,0 \times 10^1$	$1,32 \times 10^2$	$1,26 \times 10^2$	$1,58 \times 10^2$	$1,4 \times 10^2$

5-жадвалда, масофа ва вақтнинг турли комбинацияларида ишлов берилган гилос мевалари учун $^{\circ}\text{Brix} * (^{\circ}\text{Brix} - \text{Brix даражаси (Брикс) (белгиси } ^{\circ}\text{Вх}) - \text{сувда эриган сахарозанинг сууюклик массасига нисбати})$ натижалари келтирилган. Қийматларга аҳамият берилса, уларнинг тенденцияси ортиб боришини кўриш мумкин, чунки УБ нурлари кучли нур ҳисобланади, бунга $l-45$ см масофада $\tau-9$ дақиқа ишлов берилганда, ўртача $l-25$ см масофада ва $\tau-9$ дақиқада олинган қийматларга, яъни $10,24$ $^{\circ}\text{Brix}$ га эришилганини мисол қилиш мумкин. Ушбу қийматлар ишлов берилмаган янги ($13,25$ $^{\circ}\text{Brix}$) гилос мевалари натижалари билан солиштирилди, бунда $l-45$ ва 25 см масофаларда $\tau-9$ дақиқа давомида ишлов берилганда, рефрактометрик куруқ моддалар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

5-жадвал

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги рефрактометрик куруқ моддалар ($^{\circ}\text{Brix}^*$)

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Рефрактометрик куруқ моддалар $^{\circ}\text{Brix}$, намуналар			Ўртача
			№1	№2	№3	
1	25	3	11,23	10,14	12,04	11,14
2		6	14,02	12,62	12,42	13,02
3		9	12,34	10,36	11,23	10,24
4	35	3	14,12	14,63	13,96	14,24
5		6	13,78	13,84	14,08	13,90
6		9	14,12	14,08	13,96	14,05
7	45	3	13,08	13,12	14,02	13,41
8		6	14,03	12,08	12,42	12,84
9		9	11,48	12,62	11,84	11,98
10	Назоратдаги намуналар	3	13,04	14,12	14,08	13,75
11		6	13,24	13,62	13,25	13,37
12		9	11,92	14,01	13,96	13,30
13	Ишлов берилмаган	-	12,62	13,44	13,68	13,25
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	14,03	13,42	12,48	13,31

*($^{\circ}\text{Brix} - \text{Brix даражаси (Брикс) (белгиси } ^{\circ}\text{Вх}) - \text{сувда эриган сахарозанинг сууюклик массасига нисбати.}$)

6-жадвалда турли вақтларда ва турли масофаларда ультрабинафша нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасининг ўртача рН қийматлари кўрсатилган. УБН билан қайта ишлаш масофаси ва давомийлигининг ошиши билан меваларнинг рН қийматининг ўзгариши кузатилди. Қайта ишлаш вақти ва ультрабинафша нурланишининг масофаси гилоснинг рН қийматини ўзгаришига олиб келди, бу билан гилос мевасини сақлаш муддатини оширишга эришилди. Жадвалдан кўриш мумкинки УБ нурлари билан 6 ва 9 дақиқа давомида 35 см масофада қайта ишланган гилос мевасидаги рН ўртача 3,6 бўлган.

УБ нурлари ёрдамида ишлов берилган гилос мевасидаги рН

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	рН, намуналар			Ўртача
			№1	№2	№3	
1	25	3	3,6	3,4	3,4	3,5
2		6	3,4	3,5	3,5	3,5
3		9	3,6	3,6	3,5	3,6
4	35	3	3,6	3,7	3,6	3,6
5		6	3,6	3,6	3,5	3,6
6		9	3,6	3,6	3,6	3,6
7	45	3	3,7	3,9	3,8	3,8
8		6	3,8	3,8	3,7	3,8
9		9	3,8	3,8	3,8	3,8
10	Назоратдаги намуналар	3	3,7	3,8	3,7	3,7
11		6	3,7	3,7	3,7	3,7
12		9	3,8	3,7	3,8	3,8
13	Ишлов берилмаган	-	3,2	3,2	3,3	3,2
14	Ишлов берилмасдан музлатгичда сақланган	-	3,3	3,4	3,3	3,3

7-жадвалда гилос мевасининг сифат параметрлари бўйича иккита энг яхши ишлов бериш режимининг қиёсий таҳлили келтирилган, бунда мақбул параметр сифатида масофа *l*-35 ҳамда вақт τ -6 дақиқа танлаб олинган. Ушбу ишлов бериш режимида бактериялар, замбуруғлар ва ичак таёқчаларининг миқдори минимал миқдорда, барқарорлик эса бевосита маҳсулотнинг намлигига боғлиқ бўлади, чунки унинг қиймати *l*-25 масофада τ -6 дақиқа давомида ишлов берилган намунага нисбатан антоцианларнинг миқдори юқорилиги билан тавсифланади. *l*-25 см масофада τ -6 дақиқа ишлов берилганда мевалар таркибида замбуруғ инфекцияси, қанд миқдори ва лимон кислотасининг улуши камайиши кузатилди, бу эса ишлов берилмаган гилос меваларинг кўрсаткичларига нисбатан яхшироқ органолептик хусусиятларига эга эканлигини англатади.

7-жадвалдан шуни кўриш мумкинки, гилос мевасига УБ нурлари ишлов бериш бўйича таҳлил натижалари асосида мақбул параметр сифатида масофа *l*-35 см ва вақт τ -6 дақиқа эканлиги аниқланган ҳамда қўйидаги кўрсаткичларга эришилган: замбуруғ инфекциясининг миқдори - 0,40%; бактериялар - $0,22 \times 10^1$ КХҚБ/г; моғор ва замбуруғлар - $0,53 \times 10^1$ КХҚБ/г; ичак таёқчалари - $0,30 \times 10^1$ КХҚБ/г; рефрактометрик қуруқ моддалар - 13,90 °Brix; кислоталилик - 6,37%; қаттиқлик - $1,72$ кг/см²; намлик - 78,11%; рН - 3,6; қанд миқдори - 14,16 мг/100 г.

Турли параметрлар таъсирида гилос мевасига ишлов беришнинг якуний таҳлил натижалари

Микроорганизмларнинг турлари, ўлчов бирликлари	25 см, 6 дақ.	35 см, 6 дақ.	45 см, 6 дақ.
Замбуруғ инфекцияси, %	0,70	0,40	0,51
Бактериялар, КХҚБ/г	$0,28 \times 10^1$	$0,22 \times 10^1$	$0,42 \times 10^1$
Моғор ва замбуруғ, КХҚБ/г	$0,74 \times 10^1$	$0,53 \times 10^1$	$1,2 \times 10^1$
Ичак таёқчалари, КХҚБ/г	$0,90 \times 10^1$	$0,30 \times 10^1$	$0,33 \times 10^1$
Эрувчан қаттиқ моддалар, °Brix	13,02	13,90	12,84
Кислоталилик, %	8,22	6,37	9,75
Қаттиқлик, кг/см ²	1,91	1,72	1,68
Намлик, %	76,07	78,11	74,77
pH	3,5	3,6	3,8
Қанд миқдори, мг/100 г	13,49	14,16	13,61

Диссертация ишининг «Гилос мевасини кимёвий таркибини таҳлил қилиш натижалари» номли тўртинчи бобида гилос мевасининг кимёвий таркибини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Гилос меасига УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш бўйича тажриба тадқиқотлар Тошкент давлат техника университети “Хизмат кўрсатиш техникаси” кафедраси лабораториясида олиб борилди. Ишлов берилган намуналар академик А.С.Содиқов номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Биоорганик кимё институти”да витаминлар таркиби бўйича лаборатория таҳлилидан ўтказилди (8-жадвал).

УБН билан қайта ишланган гилос меваси таркибидаги витаминларнинг сақланиш даражаси

№	Масофа, см	Вақт, дақ.	Витаминлар, концентрация, мкг/г			
			В-12	В-6	В-9	С
1	25, №1	3	0,128499	0,107906	0,188525	2,790018
2		6	0,104651	0,166436	3,480874	2,611775
3		9	0,279027	0,169209	2,092896	2,787657
4	35, №2	3	0,134098	0,169209	1,322404	2,569605
5		6	0,102799	0,351595	1,322951	2,81291
6		9	0,093621	0,144244	1,418579	2,924088
7	45, №3	3	0,111978	0,260749	2,081967	3,379617
8		6	0,139514	0,291262	1,333333	2,445906
9		9	0,169068	0,303745	1,153005	2,454274
10	№ 4 назорат қилинган	-	0,102799	0,350069	1,912568	2,4211

УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган 9 та намуналар орасида 2 намуна таркибида қуйидаги витаминлар сақланиши аниқланган: В12-0,607618 мкг/гр, В6-0651595 мкг/гр, В9-2,322951 мкг/гр, С-3,812911 мкг/гр. Олинган

натижаларга асосланган ҳолда, муаллиф томонидан таклиф этилган параметр витаминларнинг юқори концентрациясини сақлайди деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқот давомида гилос мевасига УБ нурлари ёрдамида ишлов бериш бўйича бир нечта тажрибалар ўтказилди, бунда учта параметрлар таъсирида ҳар бир намуна учун уч марта такрорий равишда олиб борилди. Ишлов берилган намуналар “Ўзбек геология қидирув” АЖ Марказий лабораториясида макро ва микроэлементлар бўйича лаборатория таҳлилидан ўтказилди.

Қайта ишланган гилос меваси намуналаридаги элементлар таркибини ҳисоблаш масс-спектрометр дастурлари ва электрон жадваллар ёрдамида амалга оширилади. Масс-спектрал таҳлил натижалари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Гилос мевасининг масс-спектрал таҳлили натижалари (ppm ёки г/т)

№	Элементларнинг кимёвий номи	Элемент номи	Масофалар ва намуналар, см									№4 назор атак қилиг ан
			25 см, №1			35 см, №2			45 см, №3			
			Вақт, дақ.									
			3	6	9	3	6	9	3	6	9	
1	Li	Литий	0,700	1,40	0,770	1,50	1,80	1,40	0,820	0,640	0,500	0,610
2	B	Бор	13,0	10,0	10,0	21,0	17,0	11,0	7,30	13,0	21,0	15,0
3	Na	Натрий	240,0	110,0	110,0	93,0	180,0	150,0	100,0	98,0	180,0	100,0
4	Mg	Магний	160,0	190,0	210,0	310,0	180,0	230,0	160,0	170,0	240,0	260,0
5	Al	Алюминий	18,0	26,0	17,0	33,0	32,0	52,0	14,0	17,0	19,0	24,0
6	P	Фосфор	800	640	830	1300	1000	1000	740	910	1000	920
7	K	Калий	2400	2100	3000	3700	2900	2600	2200	3100	3700	2200
8	Ca	Кальций	340,0	290,0	320,0	500,0	350,0	350,0	220,0	250,0	280,0	310,0
9	Sc	Скандий	1,10	1,10	1,10	1,10	1,10	0,840	0,890	0,890	0,920	0,890
10	Ti	Титан	0,660	1,10	0,660	0,810	0,940	1,20	0,490	0,560	0,830	0,610
11	Mn	Марганец	0,500	0,370	0,370	0,930	0,480	0,400	0,300	0,300	0,760	0,570
12	Fe	Темир	16,0	18,0	14,0	17,0	18,0	20,0	15,0	13,0	15,0	18,0
13	Cu	Мис	1,50	1,80	1,30	1,70	1,90	2,80	1,10	1,10	0,970	1,20
14	Zn	Рух	3,0	2,80	2,40	3,0	2,4	3,4	2,1	2,3	2,6	2,1
15	Ga	Галлий	0,280	0,018	0,013	0,014	0,017	0,024	0,012	0,007	0,260	0,020
16	As	Мишьяк	1,50	2,40	3,0	0,610	0,860	0,970	1,0	1,4	0,920	1,30
17	Rb	Рубидий	0,590	0,100	0,150	0,840	0,690	0,130	0,098	0,520	0,290	0,530
18	Sr	Стронций	0,730	0,460	0,620	0,400	0,390	0,580	0,210	0,230	0,590	0,150
19	Ba	Барий	8,80	0,360	0,300	0,260	0,260	0,500	0,190	0,180	7,10	0,420
20	Th	Торий	<0,01	0,013	0,040	<0,01	<0,01	0,011	0,073	0,011	0,023	0,013

УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган 9 та намуналар орасида №2 намуна таркибида қуйидаги кимёвий элементлар сақланиши аниқланган: бор-17,0 ppm ёки г/т; натрий-180,0 ppm ёки г/т; магний-180,0 ppm ёки г/т; алюминий-32,0 ppm ёки г/т; фосфор-1000 ppm ёки г/т; калий-2900 ppm ёки г/т; калций-350,0 ppm ёки г/т; скандий-1,10 ppm ёки г/т; титан-0,940 ppm ёки г/т; марганец-0,480 ppm ёки г/т; темир-18,0 ppm ёки г/т; мис-1,90 ppm ёки г/т; рух-2,4 ppm ёки г/т; галлий-0,017 ppm ёки г/т; мишьяк-0,860 ppm ёки г/т; рубидий-0,690 ppm ёки г/т; стронций-0,390 ppm ёки г/т; барий-0,260 ppm ёки г/т; торий-0,01 ppm ёки г/т. Олинган натижаларга асосланган ҳолда, муаллиф томонидан таклиф этилган параметрлар кўплаб элементлар консентрациясини меъёрда сақлаши аниқланган.

ХУЛОСА

1. Гилос мевасига ишлов бериш ва сақлаш муддатини узайтириш имконини берувчи экспериментал ультрабинафша қурилмаси ишлаб чиқилган. Ушбу қурилма ёрдамида гилос меваларига ишлов бериб сақлаш муддатини узайтиришга эришилган.

2. УБ нурлари ёрдамида турли параметрлар таъсирида ишлов берилган ва 4 °С ҳароратда 20 кун давомида сақланган гилос меваларида масса йўқотилиши 9,72%, 1 кЖ/м² қувватда - 10,7%, 3 кЖ/м² да - 10,1% ҳамда 5 кЖ/м² да - 9,3% ни ташкил этиши, шунингдек қаттиқлик хусусияти эса мос равишда 1 кЖ/м² да - 1,7%, 3 кЖ/м² да - 1,6% ва 5 кЖ/м² - 1,4%, титрланадиган кислоталилик эса 1 кЖ/м² да - 11,1%, 3 кЖ/м² да - 9,1% ҳамда 5 кЖ/м² да - 8,9% эканлиги исботланган.

3. УБ нурлари ёрдамида таъсирида 5 кЖ/м² УБ нурланиш қувватида ишлов берилган намуналарда ёркинлик, барқарорлик, титрланадиган кислоталилик ва антоцианинларнинг умумий таркиби юқори бўлиши, 20 кун давомида 4 °С ҳароратда сақланганда рефрактометриқ куруқ моддалар, масса йўқотилиши, моғор ва замбуруғнинг миқдори камайиши исботланган.

4. Гилос мевасига УБ нурлари ишлов бериш бўйича таҳлил натижалари асосида энг мақбул параметр масофа 35 см ва вақт давомийлик 6 дақиқа эканлиги аниқланган. (ҳамда қўйидаги кўрсаткичларга эришилган: замбуруғ инфекциясининг миқдори - 0,40%; бактериялар - $0,22 \times 10^1$ КХҚБ/г; моғор ва замбуруғлар - $0,53 \times 10^1$ КХҚБ/г; ичак таёқчалари - $0,30 \times 10^1$ КХҚБ/г; рефрактометриқ куруқ моддалар - 13,90 °Brix; кислоталилик - 6,37%; қаттиқлик - 1,72 кг/см²; намлик - 78,11%; рН - 3,6; қанд миқдори - 14,16 мг/100 г.)

5. УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган гилос меваси таркибида қўйидаги витаминлар сақланиши аниқланган: В12-0,607618 мг/гр, В6-0,651595 мг/гр, В9-2,322951 мг/гр, С-3,812911 мг/гр. Олинган натижаларга асосланган ҳолда, таклиф этилаётган параметр гилос меваси таркибидаги витаминларни юқори концентрациясини сақланишига эришилган.

6. УБ нурлар ёрдамида ишлов берилган гилос меваси таркибида қўйидаги кимёвий элементлар сақланиши аниқланган (бор-17,0 ppm ёки г/т; натрий-180,0 ppm ёки г/т; магний-180,0 ppm ёки г/т; алюминий-32,0 ppm ёки г/т; фосфор-1000 ppm ёки г/т; калий-2900 ppm ёки г/т; калций-350,0 ppm ёки г/т; скандий-1,10 ppm ёки г/т; титан-0,940 ppm ёки г/т; марганец-0,480 ppm ёки г/т; темир-18,0 ppm ёки г/т; мис-1,90 ppm ёки г/т; рух-2,4 ppm ёки г/т; галлий-0,017 ppm ёки г/т; мишяк-0,860 ppm ёки г/т; рубидий-0,690 ppm ёки г/т; стронций-0,390 ppm ёки г/т; барий-0,260 ppm ёки г/т; торий-0,01 ppm ёки г/т). Олинган натижаларга асосланган ҳолда, таклиф этилаётган параметрлар кўплаб элементлар концентрациясини меъёрда сақлаши аниқланган.

7. Гилос мевасига УБ нурлар ёрдамида ишлов бериш технологиясини амалиётга жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 268,5 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**


ПУЛАТОВ МУРОДЖОН МИРСОЛИХ УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОДЛЕНИЯ СРОКА
ХРАНЕНИЯ ЧЕРЕШНЕВОГО ФРУКТА С ПОМОЩЬЮ
УЛЬТРАФИОЛЕТОВЫХ ЛУЧЕЙ**

**02.00.17 - Технологии и биотехнологии обработки, хранения и переработки продуктов
сельского хозяйства и пищевой промышленности (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024



Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.3.PhD/T3841.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Сафаров Жасур Эсиргапович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Додаев Кучкор Одилович**
доктор технических наук, профессор
Курбанов Жамшед Маждович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2024 г. в «__» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ____, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре: (Адрес: 100011, Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2024 г.).

С.М.Турабджонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик АН РУз

Х.И.Кодиров
Учёный секретарь научного совета по
присуждению, учёных степеней,
д.т.н., профессор

К.П.Серкаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире экологические изменения, носящие глобальный характер, оказывают негативное влияние на качество и объем сельскохозяйственной продукции. Рост численности населения планеты увеличивает спрос на продукты питания. В связи с этим большое значение приобретает разработка методов обработки, направленных на качественное хранение свежих сельхозпродуктов, совершенствование технических средств и технологий обработки овощей и фруктов.

В мире ведутся научные исследования по оптимизации техники и технологии обработки фруктов ультрафиолетовыми лучами (УФЛ). В связи с этим большое внимание уделяется разработке ультрафиолетовой техники и технологии, изучению дозы, продолжительности воздействия УФ -лучей в зависимости от расстояния, на которое установлена лампа, оптимальные параметры обработки черешни, способствующие получению высококачественных продуктов путем изучения методов обработки сырья.

Республика Узбекистан уделяет особое внимание выращиванию сельскохозяйственной продукции и эффективному развитию перерабатывающей промышленности, высококачественной переработке сельскохозяйственной продукции, производству импортозамещающей пищевой продукции, в результате чего достигаются определенные научные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусматривает “Углубление структурных реформ и последовательное развитие перерабатывающих мощностей сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой, высококачественной продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора”. В этой связи важна эффективность процесса обработки черешни, сокращение времени обработки и продление срока хранения, влияние различных параметров обработки ,в том числе и мощности излучения, оптимизация техники и технологий с внедрением в производство.

Настоящее диссертационное исследование служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»¹, в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года ПП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», 29 июля 2019 г. № ПП-4406 «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельхозпродукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

¹ Мирзиёев Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Электронный источник: <https://lex.uz/uz/docs/5841077>.

